



МИРАНДА ҚОИДАСИНING ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Акбутаев Элдор Бакирович

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар
судининг судъяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18678009>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-fevral 2026 yil

Ma'qullandi: 15-fevral 2026 yil

Nashr qilindi: 18-fevral 2026 yil

KEY WORDS

Миранда қоидаси, «Миранда огоҳлантуруви», «Хабас корпус» тамойили, ўз-ўзига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи.

ABSTRACT

Ушбу мақолада сукут сақлаш ҳуқуқи, яъни ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатмалар беришдан бош тортиш ҳуқуқи ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари ушбу ҳуқуқ Жиноят-процессуал кодекснинг 48-моддасида қатъий кафолатланганлиги тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Шахсга нисбатан бирор процессуал ҳааркатларни амалга оширишдан олдин унинг ҳуқуқларни тушунтириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, терговни амалга оширувчи органларнинг мажбурияти саналади. Баъзи олимлар ҳаттоки бу ҳуқуқларни шахсга ёзма равишда тушунтириш кераклигини, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган қонундан унга кўчирма тақдим қилиниши кераклигини таъкидлашади [1]. Е.В.Сопнева ҳам шу мазмундаги таклифни бериб ўтган [2]. Олимларнинг фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда, гумон қилинувчилар ўз ҳуқуқлари тўғрисида етарлича маълумотга эга эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этган алоҳида ҳужжатнинг тақдим этилишини жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Миллий қонунчилигимизда ички ишлар органининг, терговга қадар текширувни, суриштирувни ёки дастлабки терговни амалга оширувчи бошқа органнинг ходими, шунингдек муомалага лаёқатли ҳар қандай шахслар томонидан мажбурлов чораси қўлланилиши мумкинлиги белгиланган (ЖПК 222-модда). Рўйхатдаги “ҳар қандай шахслар” тоифаси олимлар ўртасида турли баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. И.Л.Петрухин таъкидлашича [3], жиноят-процессуал қонунчиликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдори бўлмаган мазкур тоифа шахслар мақоми тартибга солинмаган. А.А.Сумин эса ушлашни амалга оширувчи фуқароларни жавобгарликка тортиш учун асос йўқлигини ҳам муаммо сифатида кўрсатиб ўтган [4]. Бу масалада мазкур олимнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Жиноят қонунчилигида шахсни ушлашнинг чегарасидан четга чиққанлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушлашнинг ўрнатилган тартибини бузганлик ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради. Шундай бўлсада фуқаролар томонидан шахсни ушлаш тартиби бутун дунё амалиётида мавжуд.

Миллий қонунчилигимизда фақат муомалага лаёқатли фуқароларгина ушбу ҳуқуқдан фойдалана олади. Бундан ташқари бу ҳужжатда жиноят содир этишда гумонланиб ёки айбланиб ушланган шахс унинг айби қонун доирасида, ҳуқуқлари ҳимояси кафолатланган очиқ суд мажлисида исботланмагунча айбсиз ҳисобланади [5]. Уларни тергов ва суд муҳокамаси давомида ушлаб туриш ёки қамоқда сақлаш фақат қонунда белгиланган тартиб ва шартларда ўтказиладиган одил судловни амалга ошириш мақсадида амалга оширилади. Жиноят содир этганликда ҳибсга олиниб, ушлаб турилган шахс судга ёки қонунда белгиланган бошқа органга олиб борилиши лозим. Бу орган дарҳол ушлаб туриш қонунийлиги ва асослилигини ўрганиши лозим. Миллий қонунчилигимизда ушлаб туришнинг қонуний ва асослилигини текшириш прокуратуранинг мажбурияти бўлиб, суд бу турдаги эркинликни чеклашни мустақил текшириш ваколатига эга эмас. Жиноят-процессуал кодексда суд қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашни кўриб чиқаётган вақтда ушлаб туришнинг асослилигини мажбурий текшириш тартиби белгиланмаган. Мазкур ҳолат эса эса халқаро стандартларда назарда тутилган.

Бу хусусда ўзбек олими Б.Мўминов фуйидагича ёзганди: “Суднинг ажрида тергов органларида шахснинг жиноятга дахлдорлиги ҳақида етарли маълумотлар мавжудлиги ҳақида ҳавола қилиши, судьянинг шахснинг жиноят содир этишга дахлдорлиги ҳақида гумоннинг асослилигини текширмаслиги ва баҳоламаслиги жиноят-процессуал қонунини жиддий бузилиши сифатида баҳолалиши зарур” [6], сабаби амалда бундай ҳолат шахснинг одил судловга бўлган ҳуқуқини йўққа чиқаради. Ушлаш жараёнида шахсга масъул ходимлар томонидан унинг ҳуқуқлари ва уларни қандай амалга ошириши мумкинлиги тушунтирилади.

Айбини тан олишга, ўзига ёки бошқа шахсларга қарши кўрсатув олишга мажбурлаш мақсадида ушлаб турилган ёки қамоқда сақланаётган шахс ҳолатини суистеъмол қилиш тақиқланади. Бундан ташқари, ушланган шахсга уни ушлаш сабаблари маълум қилинади. Ушлаш тўғрисидаги ҳужжат шахснинг ўзига ёки адвокатига дарҳол тўлиқ маълумот берилиши керак. Суд ёки бошқа ваколатли орган ушлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ваколатли бўлиши лозим.

Шахсни ушлаб туриш тўғрисидаги баённомада қуйидаги маълумотлар акс этиши лозим:

- 1) ушлаш асослари;
- 2) шахснинг ушланган вақти, унинг сақлаш жойига юблорилган вақти, шунингдек суд ёки бошқа ваколатли органга етиб келган вақти;
- 3) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг тегишли мансабдор шахслари тўғрисида маълумот;
- 4) ушланган шахсни сақлаш жойлари ҳақида аниқ маълумотлар. Бу баённома ушланган шахс ёки унинг адвокатига тақдим этилади. Миллий қонунчилигимизга кўра, жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш баённомаси далилий аҳамиятга эга.

А.А.Тарасов ҳамда С.А.Шейфер ушлаб туришни ҳам мажбурлов чораси, ҳам тергов ҳаракати деб ҳисоблашади [7]. Тергов ҳаракати баённомаларини улар қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилгани учун далил сифатида баҳолашни, бироқ ушлаб туриш

баённомасига далил сифатида қараш нотўғри эканлигини таъкидлашган. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмини ўрганадиган бўлсак, унда ушлаб туриш баённомаси кўрсатилмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Бироқ, бу масалада юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки баённомадаги маълумотлар жиноят иши учун муҳим бўлиб, исботлаш предметини аниқлашга хизмат қилади. У жинойий ҳодиса ҳолатлари тўғрисида маълумот бермасда, маълум даражада ахборот берувчи хусусиятга эга. Бу фикрни бошқа процессуалист олимлар ҳам тасдиқлашади. Ушлаб туриш баённомаси ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмидаги “бошқа ҳужжатлар” тоифасига киради ва бу жумла баённоманинг далилий аҳамиятини қонунийлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жариков Ю.С. Процессуальное документирование при производстве дознания и предварительного следствия: Автореферат. дисс. канд. юрид. наук. М. -1997.
2. Сопнева Е.В. Механизм введения подозреваемого в уголовное дело: перспективный взгляд. <https://cyberleninka.ru/article/n/mehanizm-vvedeniya-podozrevaемого-v-ugolovnoe-delo-perspektivnyy-vzglyad>
3. Хаметова А.Р. К вопросу о субъектах задержания лиц, совершивших преступление. <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-subektah-zaderzhaniya-lits-sovershivshih-prestuplenie/viewer>
4. Сумин А.А. Задержание по подозрению в совершении преступления: некоторые правовые вопросы. –С.112. <https://cyberleninka.ru/article/n/zaderzhanie-po-podozreniyu-v-sovershenii-prestupleniya-nekotorye-pravovye-voprosy-1>
5. https://www.euromed-justice.eu/en/system/files/20090707131444_ONUBodyofPrinciplesfortheProtectionofAll
6. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. -16б. <https://tsul.uz/files/avtoreferat/muminov.pdf>